

## КЕРДЕР МАДАНИЯТИ МЕТАЛЛСОЗЛИК ХУНАРМАНДЧИЛИГИ

Б.Қ.Турганов – тарих фанлари номзоди, доцент

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** Жанубий Оролбўйи, Кердер маданияти, Куёк қалъа, Тўк қалъа, Хайвон қалъа, илк ўрта асрлар, металлсозлик хунармандчилиги, темир эритиш устахонаси, мисгарлик ўчоғи, қурол-яроғлар, меҳнат қуроллари, бадий металл буюмлари, заргарлик буюмлари.

**Ключевые слова:** Южное Приаралье, Кердерская культура, Куёккала, Ток кала, Хайванкала, раннее средневековье, металлообрабатывающее ремесло, железоплавильная мастерская, медеплавильный горн, вооружение, орудия труда, художественный металл, ювелирные изделия.

**Key words:** South Aral Sea, Kerder culture, Kuyukkala, Tok kala, Khayvankala, early Middle Ages, metalworking craft, iron smelting workshop, copper smelting forge, weapons, tools, artistic metal, jewelry.

Жанубий Оролбўйи қадимдан турли этник гуруҳларнинг тўқнашуви ва симбиози юз берган қадимий маданиятга эга минтақадир. IV-VIII асрларда кўчманчи қабиаларнинг кириб келиши ва миграцион жараёнларга боғлиқ турда минтақада этник жараёнлар кучая бошланади. VII-VIII асрларда Жанубий Оролбўйи жанубида Афригийлар маданияти, шимоли-шарқида Кердер маданияти ташкил топади. Кердер маданиятининг хронологик даври VI – аср охиридан XII аср бошларигача бўлган вақтни ўз ичига олади.

Араб форси муаллифларидан ал-Истахри (X аср), ал-Мақдсий (X аср), Ибн Хордадбек, Йаъқут Ал-Ҳамавий (XIII аср боши) асарларида Кердер вилоятининг географик жойлашуви, хўжалик турмуши, тили ва ўзига хос маданияти тўғрисида қисқа маълумотлар беради [5:179-181].

С.П.Толстов, Е.Е.Неразик, Ю.А.Рапопорт, А.В.Гудкова, В.Н.Ягодин ва М.Мамбетуллаев томонидан Кардар маданиятига оид Куёкқалъа, Хайвонқалъа, Тўк қалъа, Бағдод қалъа, Қўрғонча каби ёдгорликлари археологик жиҳатдан тадқиқ қилинган [1;6;7;8;9]. Ушбу қалъалардаги қазув ишларида яшаш ва хўжалик хоналари, мазор қабрлари очилди ва қўлаб сопол, темир, бадий металл, шиша, тош, суякдан ясалган буюмлар топилган.

Мазкур археологик топилмалар таҳлили, VII-XI асрларда Кердер аҳолиси чорвачилик, деҳқончилик, балиқчилик каби хўжалик турларидан ташқари, кулчилик, темирчилик, мисгарлик, шишасозлик, суяк, тош ва ёғочга ишлов бериш каби хунармандчилик соҳалари билан ҳам шуғулланганлигини кўрсатади. Кердер аҳолиси хунармандчилик маҳсулотларининг ясалиши ва безатилишида ўзига хослик яққол кузатилади.

Айниқса, темирчилик, рихтагарлик, мисгарлик ва заргарлик соҳаларида меҳнат қуроллари, хўжалик буюмлари, қурол-яроғлар, бадий металл буюмлари ва безак буюмлари каби металлсозлик маҳсулотларини аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этган. VII-VIII асрларга оид Хайвон қалъа, Куёк қалъа, Тўк қалъа ёдгорликларидан қайд қилинган темирчилик ва мисгарлик устахоналари ҳамда кўплаб металл топилмалар буни тасдиқлайди.

Куёк-қалъа ёдгорлигининг 7-қазиш жойидаги шаҳар кўрғонининг жанубий девори яқинида темир эритиш устахонаси жойлашган, унинг майдони 8x4,2 метрга тенг [6:133; 9:58]. Устахонадаги ўчоқ ҳажми 1,5x1,0 метрни ташкил этади, атрофида ёғоч кўмир ва кул қолдиқлари қатламлари сақланган. Шунингдек, ўчоқ яқинидаги 0,30x0,35 метр ҳажмдаги маҳсус чуқурчалар дашқоллар (ғалвирак темир бўлақлари) билан тўлдирилган. Мазкур темир эритиш ўчоғи босма дам ёрдамида ҳаракатга келтирилган.

Бундай шаклдаги темирчилик ўчоқлари ўрта асрларга оид миниатюра асарларида ва этнографик материалларда учрайди.

VII -VIII асрлардаги Куёк қалъа ёдгорлигидаги устахонада бирламчи хом-ашёга қайта ишлов берилиб, уни темирчилик устахоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёр бўлган соф темирга айлантирилган.

Афтидан, ушбу устахона атрофидаги темирчилик устахоналарини тайёр хом-ашё билан таъминлаб туришга хизмат қилган.

Хайвон қалъанинг VIII асрга оид қатламларидан ҳам кўплаб темир дашқол, шлак бўлақчаларининг топилиши, худудда темир эритиш ишлари ва тайёр темирчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигини кўрсатади [8:96, расм.9.]. Ёдгорликда топилган темир дашқоллар атрофида хайвон суяклари асосан, эчки шохлари кўплаб учрайди.

Мутахасис В.И.Распопова фикрича, темирни (дашқолни) ўтда эритиш жараёнида шохлардан кенг фойдаланилган [10:8]. Чунки, шохлар темир бўлақларига тўлиқ ёки қисман ёпишиб, унинг оловда эришини тезлаштиришга ёрдам берган.

А.В.Гудкова томонидан олиб борилган тадқиқотларда Тўк қалъа (VII-VIII асрлар) ёдгорлиги «Шарқий ховли»сининг «Шарқ чорбоғи» худудидан алоҳида-алоҳида ажратилган кўп хонали иморатлар ўрни аниқланган [1:44]. Иморатлар яшаш ва хунармандчилик хоналарига ажралади. Яшаш хоналарида очик чорбоғ, ўчоқ, тандир, «П» шаклидаги супалар сақланган. «Шарқ чорбоғи» жанубидаги иккита ўчоқ, унга алоқадор чуқурчалар, сочилиб ётган шлак қолдиқлари бу жойда мис эритиш ишларининг амалга оширилганлигини ва рихтагарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Тўк қалъа ва Куёк-қалъа ёдгорликларининг VII-VIII асрларга оид қатламларидан ярим айланасимон тарзли, безатилмаган бронза косалар топилган [1:57, расм.12,15-16]. Косалар бронзадан қуйма тайёрланган. Тўк қалъадаги косалар устки диаметри, биринчиси 17 см, иккинчиси 12 см. Биринчи косанинг айланасимон деворлари бир текис, иккинчи коса деворлари нотекис, баъзи жойларида ғадир-будир излари кузатилади. Яъни, маҳсулот тўлиқ тайёр бўлмаган ёки ишлаб чиқариш жараёнида техник хатоликларга йўл қўйилганлигини кўрсатади. Бу ушбу маҳсулотлар маҳаллий усталар томонидан ишлаб чиқарилганлигига урғу беради.

Ю.П. Маньков мақоласида Тўк-қалъа ёдгорлигидан топилган темирдан ясалган меҳнат қуроллари ва бадий металл буюмлар таҳлил этилган [2:80-83]. Улардан кетмон (3 дона), болта-теша (2 дона), теша, ўроқ (2 дона), пичок (4 дона), камон ўки учлари (9 дона), бронза коса (3 дона), узук, сирға, камарлар тўплами каби кўплаб металл буюмлар маҳаллий аҳоли томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот бўлиши мумкинлиги таъкидланади. Металл буюмлар VII-VIII асрлар ва IX-XI асрларга тааллуқлидир.

Сўнгги даврда М.М. Мамбетуллаев раҳбарлигида Куёкқалъа ёдгорлиги ва қалъа некрополидаги 364 та қабрлар (2002-2006 йиллар) казиб ўрганилди.

Айниқса, Куёк-қалъа некрополини қазиш давомида металлсозликнинг қуролсозлик, заргарлик ва рихтагарлик соҳаларига оид бой материаллар тўпланди. Некропольдаги қабрлардан хилма-хил камон ўки учлари, пичок, ханжар каби қурол-яроғлар, бронза камарлари деталлари – тўқа, нишон ва устки безаклари, бронза кўзгулар, сирға, узук, шокила ва бошқа буюмлар топилган [3:66-70; 4:72-79; 7:135-185].

Куюкқалға некрополида энг учрайдыган бадий металллардан бири тўқа, нишон, қадама безаклар каби камарлар тўплами деталларида [7:156-166]. Ушбу рихтагарлик махсулоти бўлиб, бронзадан қуйма ясалган. Камарлар тўплами деталлари ўрта асрларда ҳарбий жангилар ва овчилар томонидан қурол-аслаҳаларини осиб қўйиш мақсадида кенг ишлатилган.

Уларга ўхшаш камарлар тўплами деталлари Евроосиё кўчманчилари ёдгорликларида кенг тарқалган. Улар Орол бўйи ва Хоразмда VI–VIII асрларда кўчманчилар билан бўлган маданий алмашув жараёнида кенг тарқалади.

Айтиш зарурки, Кердер ёдгорликларидаги заргарлик ва бадий металл буюмлар шакли ва безатилиши жиҳатидан ўзига хос локал хусусиятга эга бўлган ҳамда улар Хоразм заргарлик санъати буюмларидан кескин ажралиб туради. Уларнинг заргарлик ва бадий металл буюмларида кўчманчиларга хос анъаналар яққол кузатилади. Куюк–қалға ёдгорлиги ва некрополидан бронзадан қуйма тайёрланган туя, чўчка, от кўринишидаги шокилалар ва тоғ эчкиси тарзли туморлар қайд қилинган [7:146-148]. Улардан халқа ичига от шакли туширилган шокила ўзига хос тарзда ясалган.

Ўзига хос бадий металл буюмларидан бири бўлган шокила Куюк–қалға некрополидаги VII–VIII асрларга оид қабрлардан топилган. Шокила кўринишидан от боши, бўйни ва олдинги икки оёғи тарзида ишланган ва унинг устки юзаси рельефи нақшларда безатилган. У

қанотли от тарзда бронзадан қуйма ясалган [7:167-168]. Шокиланинг узунлиги 5,5 см, бўйига 6 см, қалинлиги 0,3–0,6 см.

Маълумки, бу даврда заргарлик буюмлари магик хусусиятга ва мифологик функцияга эга бўлган. Кердер маданияти заргарлик буюмлари ўша давр аҳолисининг дунёқараши ва диний эътиқодларида тангричилик элементларининг устивор бўлганлигини кўрсатади.

Куюкқалға некрополи топилмалари Кердер аҳолисининг металлсозлик махсулотларига эҳтиёжи кучли бўлганлигидан ва маҳаллий хунармандлар томонидан ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигидан гувоҳлик беради.

Демак, археологик тадқиқотларда қайд этилган кўплаб хунармандчилик топилмалари Кердер маданияти аҳолиси томонидан меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, ҳарбий қурол-аслаҳалар, от-улов анжомлари каби хилма-хил темирчилик, мисгарлик, рихтагарлик ва заргарлик махсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Жумладан, VI–VIII асрларга оид Куюкқалға, Хайвонқалға, Тўк қалға археологик материалларидаги меҳнат қуроллари, қурол-аслаҳалар, заргарлик ва безак буюмлари микдори ва сифати Кердер қалъаларида металлсозлик соҳалари тараккий қилганлигинидан далолат беради. Ўша даврдаги рихтагарлик ва заргарлик махсулотлари Кердер аҳолисининг дини, мифологияси ва санъатига оид маълумотларни янада бойитишга хизмат қилади.

#### Адабиётлар

1. Гудкова А.В. Ток-кала. –Ташкент: «Фан», 1964.
2. Манылов Ю.П. Железные орудия труда VIII в. с городища Ток кала// Вестник ККФАН Узб.ССР. – Нукус:1962. № 3. – С. 80–83.
3. Мамбетуллаев М., Юсупов О. Бронзовая бляшка с изображениями протомы коня // Вестник ККО АНРУз. – Нукус: 2006. №1. -С.66–70.
4. Мамбетуллаев М. и др. Вооружение населения Кердера // Вестник ККО АНРУз. –Нукус: 2007. № 4. -С.72–79.
5. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. I. VII-XV вв. Арабские и персидские источники. -М.-Л.: 1939.
6. Неразик Е.Е, Рапопорт Ю.А. Куюк-кала в 1956 г. // МХЭ. -М.: «Наука», 1959. вып. 1. -С.132-139.
7. Ходжайов Т.К., Мамбетуллаев М.М. Раннесредневековый некрополь Куюккала. –Москва: «РАН», 2008.
8. Ягодин В.Н. Городище Хайванкала -раннесредневековый Кердер. // Археологические исследования в Каракалпакии. – Ташкент: 1981. -С.78-102.
9. Ягодин В.Н. Кердерское поселение Куюк-кала // Археология Приаралья. -Ташкент: «Фан», 1984. вып. 2. -С. 54-67.
10. Распопова В. И. Металлообрабатывающее ремесло раннесредневекового Согда.: Автореф. дис. .. канд. ист. наук. – Ленинград: 1971.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада археологик материаллар асосида Кердер маданияти ёдгорликларидаги металлсозлик хунармандчилиги ўрганилган. Куюк қалға, Хайвон қалға, Тўк қалға каби ёдгорликларида темирчилик ва мисгарлик махсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Археологик материаллар таҳлили, Кердер маданияти ёдгорликларида VII-VIII асрларда металлсозлик соҳаларида махсулотларини ишлаб чиқариш тараккий қилганлигини кўрсатади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье на основе археологических материалов изучена металлообрабатывающее ремесло на памятниках кердерской культуры. В таких памятниках, как Куюккала, Хайванкала и Токкала было налажено производство железных и медных изделий. Анализ археологических материалов показывает, что в VII-VIII веках на памятниках кердерской культуры производство изделий в области металлообработки было прогрессивным.

**SUMMARY.** The article examines metalworking craft in the monuments of the Kerder culture on the basis of archaeological materials. In such monuments as Kuyukkala, Khayvankala, Tokkala, the production of iron and copper products was established. The analysis of archaeological materials shows that in the VII-VIII centuries, the production of metalworking products on the monuments of the Kerder culture was progressive.